

ТЕРРОРИЗМНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШ САБАБЛАРИ ВА БУГУНГИ КУНДАГИ ҲОЛАТИ

<https://doi.org/10.5281/zenodo.20554890>

Дўстов Мамарасул Абдуллаевич

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси

Тезкор-қидирув фаолияти кафедраси доценти,

юримдик фанлар бўйича фалсафа доктори, доцент.

Аннотация

Маълумки, бугунги куннинг энг долзарб ва ўз ечимини излаётган муаммоларидан бири бу – бутун жаҳонни кўрқинч ва дахшатга солаётган терроризмдир. Бундай микёсдаги муаммога ечим топиш учун аввалан бор, терроризмнинг мазмун-моҳиятини, унинг юзага келишига сабабчи бўлган шарт-шароитларни, уларнинг ривожланишига сабаб бўлаётган омилларни тўлиқ ўрганиш ва тушуниб олиш лозим.

Мақолада терроризмнинг келиб чиқиш сабаблари баён этилган бўлиб, унинг ижтимоий асосларини бартараф этиш, оқибатларини тугатиш бўйича зарур ва мумкин бўлган чора-тадбирларга алоҳида эътибор қаратилиб, халқаро ва миллий қонунчилик талаблари ёритилган.

Калит сўзлар

терроризм, кўрқитиш, зўрлик ишлатиш, сиёсат, хавфсизлик, таҳдид, терроризмнинг жиноий-ҳуқуқий ва махсус белгилари, халқаро ва миллий қонунчилик, давлатнинг суверенитети, ҳудудий яхлитлигини бузиш ва хавфсизлигига путур етказиш.

Терроризм аслида жуда қадим замонлардан бошланган, амалиёти эса турли шаклларда хилма-хил тарихий даврларга ва кўплаб сиёсий оқимларга хосдир. Лекин терроризмнинг юзага келиши борасида бошқа фикрлар ҳам мавжуд. Масалан, олимлар терроризмни XI–XII асрлар ҳашшошийларнинг ўзига хос исломий анъанасида, ўз навбатида, ҳозирги терроризмнинг келиб чиқишини Наполеондан кейинги Тикланиш (Реставрация) даври билан боғлайди.

Терроризм тадқиқотчилари орасида бу ҳодисани Библия яратилган даврлар билан боғлайдиганлар ҳам мавжуд бўлиб, улар ўз биродари Ҳобилни ўлдирган Қобилни дастлабки террорчи деб атайдилар.[1]

XII аср бошида исмоилийлардан Ҳасан Саббоҳ (1124 йил вафот этган) ва унинг тарафдорлари ўз диний ғоялари ва сиёсий мақсадларини амалга ошириш учун курул ишлатиш, қатл қилиш, йўлтўсарлик, террорчиликдан фойдаланиб келган.[2]

Р. Очилова фикрига кўра нисбатан тор маънода террор деганда диктаторлик типигаги давлат ўз фуқаролари ва сиёсий оппозицияга нисбатан амалга оширадиган зўравонлик назарда тутилади (фашистлар Германияси, Франко Неро давридаги Испания, Пиночет давридаги Чили).[3]

Бир қатор тарихчи ва сиёсатчи олимларнинг фикрларига қараганда, террорчилик харақати юзага келганига ҳали икки юз йил ҳам бўлмаган экан. Масалан, В. Жариновнинг фикрига кўра терроризм пайдо бўлганига бир ярим аср бўлган. Яна бир қатор олимлар эса ўз хулосаларида терроризм пайдо бўлишини узок асрларга боғлашади. Бу фикр тарафдорлари ҳар бир қотиллик ва зўравонлик ишларини терроризмнинг илк куртак отаётган новдаси бўлган деб ҳисоблашади ва шу тариқа унинг пайдо бўлишини антик даврларгача олиб боришади.[4]

Ҳозирда кўпчилик терроризм нима эканлиги ҳақида ҳали ҳам умумий ва бирмунча мавҳум тасаввурга эга. Бунинг сабаби, назаримизда, терроризм маданий анъаналар, ижтимоий тузилиш ва терроризмга умумий таъриф беришни анча қийинлаштирувчи бошқа кўплаб омилларга боғлиқ равишда турли мамлакатларда турлича намоён бўлувчи, моҳиятан жуда мураккаб ҳодиса эканлигидадир. Шунинг учун ҳам бу ҳодисага аниқ ва тугал таъриф бериш жуда қийин.

“Терроризм” терминига 200 га яқин таъриф берилган, бироқ ҳали уларнинг биронтаси ҳам яқиний, аниқ таъриф сифатида эътироф этилмаган. Террор тушунчаси негизида сиёсий мақсадларга эришиш учун зўравонликни қўллашга йўл қўйилиши тўғрисидаги тасаввур ётади.

Террор тушунчаси тарихан терроризм тушунчасидан аввал таркиб топган. Ҳозирги сиёсий воқелик шароитида бу тушунчалар билан тавсифланадиган ҳодисаларни фарқлаш учун уларни ажратиш олиш даркор. “Террор” атамаси латинча “terror” – даҳшат, қўрқув сўзидан келиб чиққан бўлиб, умумий маънода у сиёсий муаммоларни ҳамда зиддиятларни зўравонлик ёрдамида ҳал этиш методини англатади. Бундан келиб чиқишича, террор – оммавий ва сиёсий мақсадларга эришиш учун зўравонликдан ҳамда зўравонлик қилиш билан таҳдид солишдан мунтазам фойдаланишдир.

1971 йилги «Қисқача сиёсий луғат»да «террор – сиёсий муҳолифга қарши уни жисмонан йўқ қилишгача кўрқитиш, зўрлик ишлатиш ва жазолаш сиёсати» деб изоҳланган бўлиб, 1981 йилги «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да шунга ўхшаш тарзда, яъни «террор – сиёсий душманга нисбатан куч ишлатиш, ўлдириш, кириш», «терроризм – террор билан амалга ошириладиган сиёсат ва тактика, террорчилик» дир деб таърифланган.[5]

Америкалик олим С.Маллисоннинг шарҳлашича, терроризм бу – оммавий ва сиёсий мақсадларга эришиш учун зўравонлик хавфи ҳамда ундан мунтазам равишда фойдаланишдир.[6]

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига кўра “терроризм – сиёсий, диний, мафкуравий ва бошқа мақсадларга эришиш учун шахснинг ҳаёти, соғлиғига хавф туғдирувчи, мол-мулк ва бошқа моддий объектларнинг йўқ қилиниши (шикастлантирилиши) хавфини келтириб чиқарувчи ҳамда давлатни, халқаро ташкилотни, жисмоний ёки юридик шахсни бирон-бир ҳаракатлар содир этишга ёки содир этишдан тийилишга мажбур қилишга, халқаро муносабатларни мураккаблаштиришга, давлатнинг суверенитетини, ҳудудий яхлитлигини бузишга, хавфсизлигига путур етказишга, қуроли можаролар чиқаришни кўзлаб ифвогарликлар қилишга, аҳолини кўрқитишга, ижтимоий-сиёсий вазиятни беқарорлаштиришга қаратилган, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига жавобгарлик назарда тутилган зўрлик, зўрлик ишлатиш билан кўрқитиш ёки бошқа жиноий қилмишлар” дир.[7]

Терроризм - бу уюшган гуруҳ ёки партия ўзи эълон қилган мақсадларига асосан тизимли равишда зўравонликни қўллаш орқали эришишга интилаётган усулдир.[8]

Терроризмнинг келиб чиқиш сабаблари:

1) муайян ижтимоий, миллий ёки бошқа гуруҳ учун мавжудлик аҳамиятига эга бўлган ва унинг ўзини англаши, маънавияти, асосий кадриятлари, анъаналари ҳамда урф-одатлари билан боғлиқ ижтимоий, миллий ва диний муаммоларнинг мавжудлиги;

2) уруш ва ҳарбий можаролар, улар доирасида террорчилик ҳаракатлари ҳарбий операцияларнинг бир қисмига айланади;

3) ўз яқин ва узоқ қўшниларидан юқори даражадаги моддий фаровонлиги ва маданияти билан фарқ қилувчи, шунингдек ўзининг сиёсий, иқтисодий ва ҳарбий қудрати ёки бошқа имкониятлари туфайли ўз хоҳиш-иродасини бошқа мамлакатлар ва ижтимоий гуруҳларга ўтказадиган ижтимоий гуруҳларнинг мавжудлиги.

4) яширин ёки ярим яширин жамиятлар ва ташкилотларнинг мавжудлиги, хусусан, диний ва сектант ташкилотлар, ўзларини сеҳрли ва messiанлик қобилиятларига эга деб ҳисоблайдиган, уларнинг фикрича, инсониятни кутқариш ёки унинг ҳаётини тубдан яхшилаш учун ягона тўғри таълимотни ишлаб чиқадиган, умумий эзгулик, адолат ва фаровонлик тузумини яратиш, руҳнинг абадий нажотини таъминлаш ва ҳоказоларни мақсад қилиб қўядиган ташкилотлар;

5) муҳим иқтисодий ва молиявий масалаларнинг, шу жумладан қонунчилик даражасида ҳал этилмаганлиги, шунингдек мулкни тақсимлашдаги низолар, тижоратчилар, молиячилар ва бошқа ишбилармонларнинг етарли даражада ҳимоя қилинмаганлиги. Шу муносабат билан юқорида кўрсатилган шахсларга нисбатан уларни кўрқитиш, баъзан бир вақтнинг ўзида рақибларни йўқ қилиш мақсадида террорист ҳужумлар кундалик ҳодисага айланди.

Дарҳақиқат, терроризмнинг барча кўп қиррали кўринишларига қарши курашиш зарурати XXI аср бошига келиб инсоният цивилизацияси ривожланишининг ҳозирги босқичидаги асосий муаммолардан бирига айланди. Табиий ва антропоген, шу жумладан техноген хавф-хатарлар билан бир қаторда, оғир оқибатли ҳалокатлар ва ғавқулдда вазиятлар юзага келиши хавфи, жамиятга нисбатан кучайиб бораётган террорчилик таҳдидлари эканлигини тасдиқлайди.

Замонавий терроризм тобора яққолроқ тарзда ижтимоий хавфли хусусиятларни намоён этмоқда:

террорчилик ҳаракатлар натижасида одамларнинг оммавий ҳалок бўлиши ва сезиларли моддий йўқотишлар, уларни амалга оширишдаги шафқатсизлик ва бераҳмлиқ;

террорчилик тузилмаларнинг юқори даражадаги молиявий ва моддий-техник қўллаб-қувватланиши, чуқур ниқобланган манбалар ва уни амалга ошириш каналларининг мавжудлиги;

ҳалқаро террорчилик тузилмаларнинг энергия ресурслари ва фойдали қазилмаларга бой ҳудудларни ўз назоратига олишга интилиши;

ҳалқаро ва миллий даражаларда террорчилик тузилмалар ўртасида, шунингдек, қурол-яроғлар, гиёҳванд моддалар, психотроп моддаларнинг ноқонуний айланмаси, одам савдоси ва бошқа жиноий бизнес ташкилотлар билан барқарор алоқаларнинг мавжудлиги;

ёллаш имкониятидан кенг фойдаланиш;

ядровий қурол, кимёвий, биологик ва бошқа оммавий қирғин қуролларини эгаллашга интилиш, террорчилар томонидан бу воситаларни жинояткорона фаолиятда қўллаш эҳтимоли хавфининг мавжудлиги;

янги терроризм турларининг (хусусан, “кибер-терроризм”) пайдо бўлиш хавфи мавжуд бўлиб, уларнинг энг хатарли кўринишлари электромагнит қуроллардан фойдаланиш, жамият ва давлат ҳаётининг ўта муҳим соҳаларида компьютер бошқарув тизимларини ишдан чиқариш ва бошқалар бўлиши мумкин. Бу жараёнлар давлат томонидан амалга ошириладиган компьютер технологияларидан фойдаланишни ва ўзини ўзи бошқариш тизимларининг ўзаро боғлиқ ҳаракатларини ҳамда давлат ва жамият ҳаётининг муҳим масалаларини камраб олади.

ахборот инфратузилмасининг стратегик аҳамиятга эга бўлган элементларига нисбатан террорчилик ҳаракатларни амалга ошириш имконияти, очик телекоммуникация тармоқларидан фойдаланган ҳолда террорчилик ҳаракатларни ўтказиш учун шароитларнинг мавжудлиги;

террорчилик фаолиятни тарғиб қилиш амалиётини кенгайтириш, террорчилик тузилмаларнинг фаолиятига миллий озодлик, дин, цивилизациялар, этнослар, миллатлар ва конфессияларнинг сақланиб қолиши учун кураш кўринишини бериш, бу орқали террорчилик ҳаракатларни миллий, диний ва маданий қадриятлар ҳимояси сифатида намоён этиш;

терроризм ташкилотчилари ва ҳомийларининг гуманитар ҳуқук институтлари, тинч аҳолига халқаро ёрдам кўрсатувчи ташкилотлардан террорчиларни қўллаб-қувватлаш мақсадида фойдаланиши;

террорчилик тузилмаларининг муайян давлатларда террорчиларнинг қонуний мавжудлигини мустаҳкамлаш учун сиёсий бошпана ҳуқуқидан фойдаланиши;

жамоат бирлашмалари ниқоби остида жангариларни тайёрлаш учун кенг тармоқли тармоқлар, марказлар ва базалар, қурол-яроғ ва ўқ-дори омборлари ташкил этиш; террорчилик ҳаракатларни молиялаштириш учун фирмалар, банклар, жамғармалардан фойдаланиш;

баъзи мамлакатларда ва йирик шаҳарларда уюшган жиноятчилик ва сиёсий ҳокимият вакиллари ўртасидаги алоқалар мавжудлиги, ҳокимият ва қонуннинг ожизлиги - буларнинг барчаси ҳаётдан яширин норозиликни очик зўравонликка айлантириш учун рағбатлантирувчи сабаблар ҳисобланади.

Замонавий ёшларнинг “мустақил ахлоқи” ҳам деярли барча мамлакатларда кузатиладиган жамият ахлоқ-одобига оид муаммолар қаторига киритилиши лозим. Бугунги глобал инқироз инсоният тизимининг барча унсурлари мувозанатсиз ҳолатга тушгани ва инсон замонавий дунёдаги янги мажбуриятлари ва масъулиятларини англаш қобилиятини намоён эта олмаганлиги натижасида юзага келган тўғридан-тўғри оқибатдир. Ҳозирги глобал инқироз инсоният тизимининг барча унсурлари мувозанатсиз бўлиб қолгани ҳамда инсон замонавий дунёдаги ўзининг янги мажбуриятлари ва масъулиятини англай олмаганлиги оқибатида юзага келган бевосита натижадир.

Халқаро терроризм билан курашишнинг самарали усуллари ишлаб чиқиш ва амалга ошириш учун унинг келиб чиқиши ва намоён бўлишининг табиатини ҳамда қуйидаги ўзига хос хусусиятларини билиш зарур:

террорчилик ҳаракат содир этиладиган жойни олдиндан билиш қийин, баъзида эса бутунлай имконсиз, аммо жиноятчилар уни максимал таъсир кўрсатиш мақсадида танлайдилар;

террорчининг шахсияти кўпинча олдиндан номаълум бўлади (ва у нафақат қочиб кетган ҳолда, балки ўзини ўлдирган тақдирда ҳам номаълумлигича қолиши мумкин);

терроризм халқаро миқёсда ривожланиб бормоқда, шу сабабли террорчилар хужумининг нишонлари нафақат террорчилик таҳдидга учраган мамлакат ҳудудидаги, балки бошқа давлатлардаги инсонлар, бинолар ва иншоотлар ҳам бўлиши мумкин.

Бундан камида иккита хулоса келиб чиқади:

1) терроризмга қарши кураш комплекс бўлиши керак (террорчилик йўналишдаги шахслар ва гуруҳларни аниқлаш, террорчиларнинг халқаро алоқаларини йўқ қилиш, режалаштирилаётган террорчилик ҳаракатлар ҳақида олдиндан хабар топиш ва уларнинг олдини олиш, айбдорларни қўлга олиш ва қонуний жавобгарликка тортиш);

2) террорчилик ҳаракатини амалга оширувчининг жойи, вақти ва шахсиятининг ноаниқ бўлганлиги сабабли, асосий эътибор эҳтимолий хужум объектларини (мақсадларини) ва уларда қўлланиладиган воситаларни ўз вақтида аниқлашга қаратилиши лозим.

Ҳар қандай жиноятга қарши курашнинг тўлиқлиги уни келтириб чиқарадиган барча ёки асосий сабаб ва шароитларга таъсир ўтказишни тақозо этади. Замонавий халқаро ва миллий терроризмда, бундай таъсир бир қатор сабаблар туфайли қийинлашиб қолмоқда. Биринчидан, ҳозирги

шароитда террорчининг шахсияти анча ўзига хос хусусиятларга эга. Бўлғуси террорчи келажакда яшайдиган ва тарбия оладиган алоҳида ижтимоий-маданий муҳитга эътибор қаратиш лозим.

Бу, одатда, диний мутаассиблик, миллий чекланганлик, замонавий цивилизация ва маданиятга эътиборсизлик, бошқача фикрловчилар ва бошқа эътиқодчиларни менсимаслик муҳитидир.

Бундай инсоннинг шахсиятига таъсир кўрсатиш ниҳоятда қийин. Уни қайта тарбиялаш амалда имконсиз. терроризмнинг индивидуал профилактикаси фақат замонавий инсонпарварлик кадриятларини тан олиш муҳитида болаликдан бошлаб шахсни режали ва мақсадли шакллантириш орқалигина амалга оширилиши мумкин деб тасаввур қилинади. Бу эса фақат очик дунёвий жамиятда, демократик мамлакатда, инсоният тўшлаган барча маданий ғоялар ва кадриятлар таъсири остида мумкин бўлади.

Иккинчидан, ҳатто энг мутаассиб шахс ҳам реал вазиятга зид равишда ёки уни ҳисобга олмасдан ҳаракат қила олмайди. Бошқача сўз билан айтганда, муайян жинойт ҳаракатини содир этиш учун одатда оз ёки кўп даражада аҳамиятли сабаб керак бўлади — бу маълум бир шахс учун муҳим бўлган аниқ ҳаётий (муаммоли) вазият, ёки минтақадаги, мамлакатдаги, умуман олганда бутун дунёдаги умумий ҳолат бўлиши мумкин. Терроризм турли сабаблар ва вазиятларнинг бирлашиши натижасида пайдо бўлади ва амалга оширилади. Шахсий нуқтаи назардан (мутаассиб тарбия асосида), бундай сабаб қариндошнинг (эр, ака-ука, ота) ўлими ёки қамоққа олиниши, ҳарбий ҳаракатлар давомида уй-жойнинг вайрон бўлиши ва мол-мулкнинг йўқотилиши, маҳаллий раҳбарият томонидан шафқатсиз муносабат (айниқса, агар у бошқа миллатга ёки динга мансуб бўлса ва ҳоказо) бўлиши мумкин.

Учинчидан, салбий оқибатларга олиб келувчи, йирик ижтимоий жараёнлар билан боғлиқ дунёдаги нохуш аҳвол вужудга келмаганда ёки ижтимоий жараёнлар билан чамбарчас боғлиқ бўлмаганда, терроризмга мойил шахс шаклланишига кўмаклашувчи ва ҳар қандай ҳолатда террорчилик ҳаракатини содир этишга ундовчи вазиятлар жуда кам ёки умуман бўлмас эди.

Жаҳонда содир этилган сўнгги террорчилик ҳужумлардан, террорчилар ҳаракатининг асосий сабаблари аксарият ҳолларда диний-миллатчилик эътиқодларига асосланганлигини кўриш мумкин. Бу эътиқодлар ўз навбатида чуқур илдизга эга бўлиб, бой ва камбағал мамлакатлар манфаатларининг қарама-қаршилиги, глобаллашув ва унга қарши ғоялар заминида шаклланади.

XXI асрда террорчилар оммавий қирғин қуролларигача бўлган кучли техник воситаларни қўлига киритишди. 2001 йил 11 сентябрь воқеалари мисолида, ҳатто йўловчи самолётлар минглаб одамлар ҳаётига зомин бўлувчи қирғин қуролига айланганлигини кўриш мумкин.

Кейинги йилларда ҳатто оммавий ахборот воситаларида ҳам терроризм элементларидан фойдаланилмоқда. Муайян мафкуравий полигонлар тарқатаётган ахборотларнинг ёвуз ва заҳарли гоёлар оқими, телеканаллар орқали узлуксиз намойиш этилаётган жангари фильмлар, болаларга мўлжалланган, бузғунчи гоёалар асосида яратилган ўйинлар, компьютер тармоқлари дастурларини ишдан чиқарадиган вируслар тарқатиш шулар жумласидандир.

ИҚТИБОСЛАР/СНОСКИ/REFERENCES:

1. Р.Эрназаров “Терроризм хавфли иллат”. <https://zamaxshariy.uz/1830/>
2. М.Хабибуллаев/ Терроризм ҳақида нима биламиз? **Манба: Minor.uz**
Материал манзили: <https://sammuslim.uz/articles/actual/terrorism-haqida-nima-bilamiz>.
3. Р.Очилова. Терроризм тарих асорати. Nargiz.uz.2020.
<https://nargis.uz/p=3191/>
4. Б.Ф.Мухаматов.Терроризмнинг келиб чиқиш тарихи: антик терроризм.
[Eurasian Journal of Academic Research](https://doi.org/10.5281/zenodo.13220402).2024. <https://doi.org/10.5281/zenodo.13220402>.
5. Ф.Т.Урумбаев.Терроризм тушунчаси, моҳияти ва кўринишлари.
Development and innovations in science. International scientific-online conference. <https://doi.org/10.5281/zenodo.14619170>, p. 9.
6. Mallison, W. T. The concept of public purpose terror in international law / W. T. Mallison, S. V. Mallison // Journal of Palestine Studies. - 1975. -Vol. IV, no. 2. - p. 36-41.
7. Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 15 декабрдаги “Терроризмга қарши кураш тўғрисида”ги Қонуни. (www.lex.uz. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси).
8. Я. Д. Вишняков, Г. А. Бондаренко, С.Г.Васин, Е.В.Грацианский. Основы противодействия терроризму : учеб. пособие/ - М. : Издательский центр «Академия», 2006. с.20-24